



Чет эл валютаси куйидаги ҳолларда муомалага яроқсиз ҳисобланади:

- ✚ бўлакларга ажратилган, шу жумладан ёпиштирилган бўлса;
- ✚ дастлабки ранги ўзгарган ёки ранги ўчган бўлса;
- ✚ ёнган ёки куйган ҳолатда бўлса;
- ✚ қонуний тўлов воситаси эканлигини кўрсатувчи асосий белгиларидан бирининг 50 фоизидан ортиқ қисмига мой, бўёқ ёки сиёҳ тўкилган бўлса;
- ✚ банкнотда кимёвий реактивлар таъсири бўлса;
- ✚ муайян даражада қасддан шикастланган ҳолда тасвир (сурат, портрет) ўзгартирилганда, номинали ўзгартирилган, ҳимоя ипчалари олиб ташланган, катта ҳажмдаги ёзувлар бўлса;
- ✚ банкнотлар аниқ босма хатога эга бўлган (сув белгиси ёки ҳимоя ипчаларининг йўқлиги ёки нотўғри жойлашганлиги), тасвирлари тўлиқ босилмаган ёки суркалиб кетган бўлса;
- ✚ банкнота геометрик ўлчамининг 3 mm га тенг ёки ундан ортиққа ўзгарган бўлса;
- ✚ банкнота тасвирини (суратини, портретини, шаклини) аниқлаш имконини бермайдиган даражада сезиларли сийқаланган ва ифлосланган бўлса;
- ✚ ўзининг қаттиқлик даражасини сезиларли даражада йўқотиб, юмшоқ ҳолга келган банкноталар.